

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – \_\_\_\_\_ – 1.05

2018 йил "26" 05

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2018 йил "14" 06

ХОРИЖИЙ ТИЛ

ФАН ДАСТУРИ

(Барча таълим йўналишлари учун)

ТОШКЕНТ - 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил “14” июндаги “531”– сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил “26” майдаги 2 - сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

- |                     |  |
|---------------------|--|
| Боқиева Г. Ҳ.       | - ф.ф.д., профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети                    |
| Саматова Б. Р.      | - кафедра мудири, Тошкент давлат юридик университети, Тил ўргатиш маркази            |
| Турсунов М. М.      | - катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Инглиз тили ва адабиёти кафедраси      |
| Дадаходжаева М.С    | - п.ф.н. доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, немис тили ўқитувчиси |
| Мурадқасимова К. Ш. | - ўқитувчи, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети                             |
| Ширинова Р. Ҳ.      | - ф.ф.д., Ўзбекистон миллий университети, Француз филологияси кафедраси профессори   |
| Исраилова Д. Ш.     | - Ўзбекистон миллий университети, Немис филологияси кафедраси катта ўқитувчиси       |

### **Тақризчилар:**

- |                |   |
|----------------|---|
| Ҳашимова Д. Ў. | - Тошкент давлат юридик университети, Тил ўқитиш маркази профессори, п.ф.д.               |
| Собирова Г. С. | - Тошкент ахборот технологиялари университети, Чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, PhD |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “26” апрелдаги 9 - сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартидаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”га мувофиқ олий таълим муассасаларининг ихтисослиги чет тили бўлмаган факультетлари битирувчилари чет тили бўйича В2 даражасини эгаллашлари белгилаб берилган.

Хорижий тил фан дастури мазмун-моҳиятига кўра умумий илмий (академик) тил кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган, талабаларнинг бўлғуси касбий фаолиятларида фойдаланадиган тил компетенцияларини ривожлантиришга мослаштирилган. Мустақил таълим талабаларда тилдан эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаш мотивациясини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу дастур “Хорижий тил” фанини ўқитиш даврида талабаларнинг умумий, академик ва касбга йўналтирилган тил кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган. Хорижий тилни ўрганишнинг мустақил мулоқот (В2) даражаси талабаларда кўпроқ академик ва касбга йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантиришни тақозо этади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Хорижий тилни ўргатишдан асосий мақсад – бўлғуси мутахассисларда кундалик ҳаётлари, илмий ва касбий фаолиятларида чет тили ёки бир неча тиллардан эркин фойдаланувчи мутахассисларни тайёрлаш. Шу билан бирга, уларда ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш, мустақил изланиш, билим ва кўникмаларини дарсдан ташқари, ОТМни битирганларидан кейин ҳам ривожлантириш малакаларини ҳамда умумбашарий ва соҳага оид илмий мавзуларда мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** илгари сурилади:

- талабаларнинг нутқий (ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш, гапириш), тил (лексик, грамматик), ижтимоий-маданий ва прагматик компетенцияларини ДТСи талабларига биноан ривожлантириш;
- илмий, касбий ва маиший фаолиятга боғлиқ мавзулар юзасидан оғзаки ва ёзма равишда баён этиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- умумбашарий ва миллий қадриятлар билан таништириш, маданиятлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамдўстлик ҳисларини сингдириш;

– илмий ва касбий фаолиятда қўлланиладиган термин ва атамаларни ўргатиш;

– талабаларнинг илмий ва соҳавий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил ишларини ташкил этиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйида келтирилган талаблар қўйилади. Давлат таълим стандартларига кўра чет тили бўйича В2 даража битирувчилари тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги компетенцияларни эгаллаш кўзда тутилган.

### *Лингвистик компетенция*

#### **Нутқий компетенция:**

##### *Тинглаб тушуниш:*

кенг қўламли нутқ ёки қатор мураккаб фикрлар баёнини;  
маъруза, нутқ, баёнот, тафсилотли йўриқномалар, илмий ва ихтисослик тақдимотлар, сўров ва фикрларнинг моҳиятини;  
эълон ва хабарларни;  
таниш ва нотаниш контекстдаги мураккаб аутентик нутқни;  
ўрганилаётган тил эгаси бўлган сўзлашувчиларнинг суҳбат ёки мунозарасининг аксарият қисмини;  
радио, интернет ва телевидение дастурлари, интервьюларнинг аксарият қисмини тушуна олади.

##### *Гапириш:*

##### Диалог:

ўрганилаётган тилда сўзлашувчилар билан мулоқотга киришиш;  
олдиндан тайёргарлик кўрилмаган жонли муҳокама ва мунозара юритиш;  
ўз соҳаларига оид интервьюда иштирок эта олиш;  
битимга келишув ёки муаммо ечимини топишда расмийлик ва хушмуомалаликдан фойдаланиш;  
расмий муҳокама доирасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалаш;  
ўз ҳамкорлари билан музокара юриштиш;  
маълум масала юзасидан маданий тартибга амал қилиб маълумот ёки илтифот сўраш;  
муҳокамаларда ўз фикрларини асослаш, ўзгартириб талқин эта олиш ва тузатиш;  
расмий доираларда (масалан, семинар ва ҳоказолар) хос равишда савол-жавоб қилиш.

##### Монолог:

маълум мавзу бўйича яхши тақдимот қилиш;  
ўз соҳаси бўйича маълумотларни аниқ ва батафсил баён этиш;  
маълум мавзу бўйича оғзаки маъруза қилиш;

мақола, маъруза ёки муҳокама юзасидан аниқ умумлашган хулоса қилиш; таниш мавзуга оид қараш ёки фикрни ривожлантириш, далиллар, мисоллар келтириш орқали асослаш.

*Ўқиш:*

таниш ва нотаниш мавзулардаги матнларнинг асосий/айрим жиҳатларини; ўз соҳалари ва қизиқишларига мос ёзишмаларни; жадвал, графикларнинг қисқа изоҳини; мураккаб номаларни; махсус ва мураккаб ёзма йўриқнома ва йўналишларни; тезислар, маъруза матнлари, конференция дастурлари, мундарижа ва шу каби матнларни; касбий соҳаларига оид мақола ва маърузалардан тегишли маълумотни ажрата олади.

*Ривожлантириладиган малакалар:* Чет тилидаги материалларнинг умумий мазмунини тушуниш, айрим маълумотларни олиш, тафсилотларни тушуниш ва йўналишни аниқлаш учун ўқиш (белгилар, кўрсаткичлар ва б).

*Ёзув:*

Махсус расмий ва норасмий нома/хатлар; шаклан ва мазмунан тўғри ташкиллаштирилган иншо ва маърузалар; етарли даражада грамматик, мазмун жиҳатдан тўғри тузилган ва мос услубдаги илмий мақолалар; таклифлар, хулосалар, аннотациялар ва тезислар; зарур ҳолда ўз соҳалари бўйича битирув малакавий ишлар ёза олиш.

## **Тил компетенцияси:**

*Лексик:*

В2 даражасидаги лексикани эгаллаш; сўз ясалиши (қўшма сўзлар ва аффиксация), ўзлашма (байналмилал) ва ўзакдош сўзлар; антонимлар, синонимлар ва бошқа умумлексик муносабатларни қўллай олиш.

*Грамматик:*

ўтилган грамматик материал (фёъл замонлари, модал фёъллар, сифат ва равишларнинг қиёсий даражалари, детерминатив сўзлар, предлоглар ва ҳоказо)ни кундалик, илмий ва соҳавий контекстларда тўғри қўллай олиш.

## **Социолингвистик компетенция**

Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятлари мисолида (ижтимоий ва таълим доираларида) **маданиятлараро мулоқотни** чуқурроқ тушуниб етиш ва унинг мулоқот билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, саломлашиш, мурожаат шакллари, хушмуомалалик ва ҳоказо; турли маданиятлардаги коммуникациянинг новербал элементлари: хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар устида ишлашни давом эттириш;

электрон мулоқотларнинг чет тилида ёзиш хусусиятларини билиш ва амалиётда қўллай олиш.

### ***Прагматик компетенция***

тақдимот қилиш маҳоратини янада такомиллаштириш;  
фикрларни оғзаки ва ёзма нутқда мантиқан ифодалаш;  
турли ижтимоий, таълим ва мутахассислик доираларида мос равишда тилни тегишли расмий шаклда қўллашни англаш;  
мулоқот жараёнида нутқни бўлиш, аниқлик киритиш, бошқача талқин этиш, жумлаларни тузатиш, тўлдириш ва бошқа стратегияларини идрок этиш ва амалиётда қўллай олиш.

## **III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)**

### ***Нутқий мавзулар***

**Ижтимоий мавзулар** (атроф-муҳит, маиший масалалар, шахс ва касб психологияси, глобал муаммолар)

**Ижтимоий-маданий мавзулар** (илмий ва соҳага оид вазиятларда маданий тафовутлар, дунё ва тили ўрганилаётган мамлакатларнинг маданий, ижтимоий хусусиятлари)

**Таълим мавзулари** (таълим тизими, давомли таълим, маърузалар, мақола, тезис ва илмий ишлар ёзиш, ўқиш ва ўрганиш стратегиялари ва ҳ.к.)

**Интернет ва ахборот технологияларига оид мавзулар.** (жаҳон ва юртимиз миқёсидаги фан ва техника янгиликлари, ютуқлари, интернет тармоқларидан фойдаланиш)

**Мутахассислик соҳасига оид мавзулар** (соҳа йўналишлари, долзарб мавзулари, масъулият, ҳужжатлар юритиш, касбий этика, музокаралар олиб бориш, мутахассислик соҳасидаги илмий ва амалий ютуқлар, инновацион ғоялар ва янгиликлар)

### ***Грамматик мавзулар***

*Инглиз тили:*

- сифат ва равишлар;
- келаси прогрессив феъл;
- келаси тугалланган феъл;
- келаси тугалланган давом феъли;
- аралаш шарт эргаш гаплари;
- модал феъллар – can't have, needn't have;

- ҳикоя феъллари;
- мажҳул нисбатлар;
- ўтган тугалланган;
- ўтган тугалланган давом феъллари;
- қўшма гаплар;
- ўзлаштирма гап;
- герундий, сифатдош, равишдошли қурилмалар;
- wish;
- would (одатларни ифодалаш, ўтган замон).

*Немис тили:*

- дарак, сўроқ, инкор шаклдаги феъл ва от-кесимли содда гапларнинг қўлланилиши;
- буйруқ майли, инкор шаклининг қўлланилиши;
- аниқ, ноаниқ артикларнинг қўлланилиши;
- модал феълларнинг қўлланилиши;
- феълнинг шахссиз шакллари;
- und, aber, den, oder боғловчилари билан боғланувчи қўшма гаплар;
- dass, ob, wenn, wer, wie, was, woran боғловчили эргашган қўшма гаплар;
- шарт майлининг ясалиши.

*Француз тили:*

- дарак, сўроқ, инкор шаклдаги феъл ва от-кесимли содда гапларнинг қўлланилиши;
- буйруқ майли, инкор шаклининг қўлланилиши;
- модал феълларнинг қўлланилиши;
- феълнинг шахссиз шакллари;
- мажҳул нисбатнинг қўлланилиши;
- герундий, сифатдош, равишдошли қурилмаларнинг ясалиши.

#### **IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тасиялар**

Дастур талабалар учун белгилаб берилган В2 (ДТС) ва ундан юқори даражаларни эгаллашга қаратилган. Ушбу даражага эришиш талабаларда илмий ва соҳавий фаолиятда юзага келадиган тил билан боғлиқ вазиятларда эркин мулоқотга киришишларини ва вазиятни самарали ҳал қилишларини таъминлайди.

Фан дастури тил кафедралари томонидан ишчи дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилишига асос бўлади. Ишчи дастурлар асосида педагог ходимлар ўзларининг календар режаларини ишлаб чиқадилар.

Амалий машғулотларни ташкиллаштиришда дастурларда белгиланган мавзулар асосида талабаларнинг илмий ва соҳавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб

кенгайтирилган вазифалар белгилаб олинади ва улар юзасидан талабаларга белгиланган вазифани ўзлаштиришга қаратилган амалий машғулотлар режаси тузилади.

Нутқий компетенциянинг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиб тушуниш, ҳамда ёзиш кўникма ва малакалари дарсларда **интеграциялашган равишда** олиб борилади. Мавзунинг моҳияти ва мутахассислик хусусиятларидан келиб чиқиб, у ёки бу кўникма ва малака дарсларда асосий деб олинади.

Талабаларни баҳолаш ОТМда белгиланган тартиб асосида, жорий, оралик ва якуний назоратлар воситасида амалга оширилади.

#### **IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Чет тили фанидан мустақил ишларнинг мақсади – амалий машғулотлар давомида олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборат.

Дарс машғулотларида кўтарилган мавзуларни ўз мутахассислик соҳаларига боғланган ҳолда лойиҳа ишларини амалга оширишлари, портфолио ва тақдимотлар (слайд, ҳисобот, муаммоли вазият ва ҳ.з. кўринишида) тайёрлашлари кўзда тутилади.

**Ўқиш:** амалий машғулотларда ўтилган мавзулар юзасидан қўшимча материалларни мустақил ёки гуруҳлар билан ўқиш, таҳлил қилиш ва уларни ихтисосликларига боғлаш.

**Тинглаш:** ўқитувчи томонидан белгиланган аудио ёки видео материаллар билан ишлаш.

**Гапириш:** тайёрланган тақдимотларни гуруҳ олдида оғзаки тақдим этиш, савол-жавобларда иштирок этиш ва фикр билдириш.

**Ёзув:** машғулотларда ёритилган мавзулар асосида берилган ёзма ишларни амалга ошириш, портфолио талабларига асосан ўз фикрларини қисқача ёзма баён қилиш, ёзма ҳисоботлар, тақдимотлар, соҳага оид шакллар тайёрлаш.

Мустақил ишларнинг мавзулари амалий машғулотларда ёритилган мавзуларга мос ҳолда бўлиши лозим. Мавзулар талабаларнинг соҳаларига боғланган ҳолда кенгроқ ёритилиши ва ёзма ёки оғзаки тақдимот сифатида ўқитувчиларга тақдим этилиши лозим.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари<sup>1</sup>

### Асосий адабиётлар

1. Боқиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқалар. Scale up. Student's book. Course 1,2,3. – Т.: Гафур Фулом, 2015.
2. Боқиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқалар. Scale up. Workbook. Course 1,2,3. – Т.: Гафур Фулом, 2015.
3. Ширинова Р.Х. Француз тили // Дарслик. - Т.: Сано стандарт, 2015 (иккинчи нашр, 2017)
4. Абдуллаев М. Manual Español: Libro de Ejercicios, Libro de Estudiante, Libro de Profesor//Дарслик. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017
5. Ute Koithan, Helen Schmitz, Tanja Sieber. Aspekte B1+.- Stuttgart: Klett Verlag, 2017.
6. Perlmann-Balme Michaela, Susanne Schwalb. Sicher B1+. – München: Hüber Verlag, 2012.
7. Sandra Evans, Angela Pude, Anna Breitsameter, Julia Braun-Podeschva Franz Specht u.a. Menschen. Deutsch als Fremdsprache A1-B1. Kurs-und Arbeitsbuch mit Audio DVD- Rom. 2012-2016. Hueber Verlag GmbH tr Co. KG, 85737 Ismaning, Deutschland

### Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 124-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори
5. “British Council - EQUALS Core inventory for general English”. –Copyright British Council/EAQUALS, ISBN: 978-086355-653-1, 2010.
6. Боқиева Г.Х., Рашидова Ф.М. ва бошқалар. Scale up. Teacher's book. Course 1,2,3. – Т.: Гафур Фулом, 2015
7. Аловитдинова Х., Раджабова Д. ва б. English for ESL and ESP learners. – Т.: ТМУ, 2012.

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатига ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инobatга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда келтирилади.

8. Ибрагимова Р.С. Француз тили // Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2010.
9. Ишмухамедов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). Т.: Истеъдод, 2008.
10. Kerr P., Jones C. *Straightforward*. Intermediate. Student's Book. 2<sup>nd</sup> edition. — Macmillan, 2007.
11. Scrivener J., Bingham C., Tennant A., Wasserman S. *Straightforward Intermediate*. Teacher's book – Macmillan, 2007.
12. Tilbury A., Hendra L. A. *English Unlimited*. Upper Intermediate B2. Student's Book. – Cambridge University Press, 2011.
13. Tilbury A., Hendra L. A. *English Unlimited*. Upper Intermediate B2. Teacher's Book. – Cambridge University Press, 2011.
14. Michele B., Beajouin P. *Expression Orale 2 - B1*. – CLE International, 2005.
15. Perlmann-Balme M., Schwalb D., Weers S. *EM neu Hauptkurs* (Kursbuch) – Hueber Verlag, 2008.
16. Ilse Sander, Birgit Braun, Margir Doubek u.a. DaF kompakt A1-B1 Kursbuch mit 3 Audio –CDs .Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2011.
17. Birgit Braun, Margir Doubek, Andrea Frater -Vogel u.a. DaF kompakt A1-B1 Übungsbuch mit 3 Audio –CDs .Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2011.
18. DaF kompakt A1-B1 Grammatik. Deutsch als Fremdsprache für Erwachsene. Ernst Klett Sprachen. Stuttgart, 2012
19. Усманова Г., Мансурова Г., Ишанкулова Н. Deutsch. Учебник немецкого языка. – Т.: Фан, 2013.
20. Jordan, R. English for Academic Purposes. – Cambridge University Press, 1997
21. “Kirkham L., Iriskulov A., Rashidova F. A Handbook for teachers of FL with reference to the CEFR. – Tashkent, 2013.

### Интернет сайтлари

1. <http://www.teachingenglish.org.uk/think/articles/listening>
2. [http://www.usc.edu/dept/education/CMMR/CMMR\\_BTSA\\_home.html#Resources\\_BeginningTeachers](http://www.usc.edu/dept/education/CMMR/CMMR_BTSA_home.html#Resources_BeginningTeachers)
3. <http://www.teachermentors.com/MCenter%20Site/BegTchrNeeds.html>
4. <http://www.inspiringteachers.com/>
5. <http://teachnet.org/ntp/research/prep/Cooper/http://www.alt-teachercert.org/Mentoring.html>
6. [www.examenglish.com](http://www.examenglish.com)
7. <http://www.education.gouv.fr>
8. <http://www.educnet.education.fr>
9. <http://www.educationprioritaire.education.fr>
10. <http://www.elodil.com/historique>.
11. <http://www.edufle.net>
12. <http://www.franparler.info/accueil>
13. <http://www.franparler.info/accueil>
14. <http://www.leplaisirdapprendre.com>
15. [http://www.enseigner.tv\(Enseigner avec TV5\)](http://www.enseigner.tv(Enseigner avec TV5))
16. <https://www.dw.com/de/deutsch-lernen/s-2055>

17. <https://www.goethe.de/de/spr/ueb.html>
18. <https://deutschlernerblog.de/tipps-zum-deutschlernen/>
19. <http://www.learn-german-online.net/learning-german-resouces/deutsch-via-internet.htm>
20. <https://www.alumniportal-deutschland.org/deutsche-sprache/online-deutsch-lernen/videos-und-interaktive-uebungen/>

